



ERKIN YURT



Кимдир, «албатта мумкин», деса ҳайрон бўлмайман. Негаки, кунда куноро эътирозларга кўзимиз тушади, эшитамиз, гувоҳ бўлашимиз.

Эски йил тугади-ю, ҳали ойлик маош олмасингиздан туриб, газ ёки электр энергияси назоратчиси уйингизга бостириб келиб ўтган йилдан қолган қарзни ва боз устига, бу йилги тўловни олдиндан тўлаб қўйишимиз ҳақида дўк урганда, кўзларимиз жавдирабгина, ялингандан баттарроқ бўлиб, не-не илинж ва илтижо билан: «Акажон, ойлик олганимиз йўғиди. Ярим йилга тўласам майлими?» дея қўрқа-писа эътироз билдиришимиз мумкин-ку?! Ёки, ана боринг, ўғлимиз ёки қизимиз киши пойабзалидан сув ўтаётганидан нолиса: «Нима, мен сенга миллионермиман? Ҳали икки сезон ўтмасдан батинкангни расво қилибсан!» дея эътироз билдира оламизми? Хотин қурмағур гўшт қолмагани-ю, гуруч билан ёғнинг таги кўринганидан шикоят қиладиган бўлса, кўзларимизни олайтириб, дағдаға қилишни ҳам эплай оламиз баъзан.

Қилар ишининг тайини йўқ уй-жой мулкдорлари ширкати (оддийгина ЖЭК десак ҳам бўларди) раиси деганлари аллақандай тўлов пулини талаб қилиб дарғдаға қилса, баъзан юрак ютиб: «Опажон ўзи нимага пул тўлаяпмиз?» дейишимиз ҳам мумкин...

Вилоятларни эмас, ҳатто Тошкентнинг ўзида юз-икки юз йиллик минглаб чинору соя-салқин бергучи хиёбонларни таг туги билан кўпориб ташлашларига ким эътироз билдира оларди бугун? Балки, шу ерда тўхтатсам бўлар. Буларнинг ҳаммаси оддий турмуш ташвишлари, икир-чикирлар, холос.

«Ун беш кунлик келинчакни ота-онасига ташлаб, қарзларидан қўтилиш илинжида Россия сари йўл олган ёш куёвни тақирбошлар калтаклаб ўлдиргани юзасидан онаизор кимга арзи дод қила олади Ўзбекистонда?»

Қулочни каттароқ оладиган бўлсакчи? Аҳвол қандай аслида? Тошкентдан бир қадам нарига ўтиб кўрайлик. Бугун на газ, на электр ва на-

да, суви бўлмаган ўзбекистонликлар арзи додини, эътирозини юрак ютиб кимгадир айта оладими?

Ҳукуматнинг шаҳар ёки вилоят марказларини қайта қуриш, реконструкция қилиш борасида чиқарган қарорлари натижаси ўлароқ, уй-жойидан мосуво бўлганлар, қишнинг қировли ва изғирин кунларида ҳокимликдан «Уйинг бузилади» деган мазмунда огоҳлантириш олганлар эътирозини овоз чиқариб айта оладими?

‘ХУРРИЯТ 2014’: ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЪТИРОЗ БИЛДИРИШ МУМКИНИ?

Пенсияси ўн-ўн беш кило ун-у ўн литр пахта ёғига етмайдиган кексалар, ойлигининг ярмидан кўпроғи пластик карточкага туширилиб, қўлига теккани ҳемирам бўлмайдиган ишчи-ходимлар, домласидан сессияни беркитиш учун беш юз «кўки» кераклигини эшитган талабалар, синф фонди, мактаб фонди учун ҳар ойга ўн беш-йигирма мингдан юз долларгача талаб этилишини ота-онасига қандай айтишни билмаётган ўқувчи ёшлар эътирозини кимгадир айта оладими?

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисида айтадиган бўлсак, бу ҳолни кўрган маймунлар ҳам «дод» солиб йиғлаши тайин бугунги мустақил Ўзбекистонда. Назаримда, республика фуқароларининг фақат ва фақат мажбурияти қолганга ўхшайди.

Мамлакат Конституциясида эркин фикр билдириш, намойишлар ўтказиш, оммавий ахборот воситалари орқали чиқиш қилиш, қонун билан белгиланган ҳуқуқларини талаб қила олиши кабилар белгилаб қўйилган эсада, аслида буларнинг ҳаммаси ғирт ёлғон ва бундан бошқа нарса эмас.

Қани бугун Олий Мажлис қабул қилаётган қонунларнинг омма орасида муҳокама қилиниши? Қани газеталар орқали қонунлар лойиҳасининг муҳокамага ташланиши? Ун беш йилнинг нари берисида бу амалиётга тўлалигича барҳам берилди. Қонунларни қонун эъжодкорлари эъжод этиб ўзлари қабул қиладиган бўлишди.

Қонун кимларнинг манфаатига хизмат қилишини билиш қийин эмас бу ҳолдан. Ҳукумат қабул қилган юзлаб, балки минглаб қарору ҳукми фармолар шундоғам абгори чиқиб қолган ўзбекистонликларнинг

аҳволни тобора танглаштираётган бир пайтда бирон киши эътироз билдира олармикан?

Давлат раҳбарининг том-том китобу ирод этган нутқи ва маърузаларида қалалиб ётган ёлғону саёз фикрларга ким ҳам бир нима дея оларди юрак ютиб?! 15 кунлик келинчакни ота-онасига ташлаб, қарзларидан қўтилиш илинжида Россия сари йўл олган ёш куёвни тақирбошлар калтаклаб ўлдиргани юзасидан онаизор кимга арзи дод қила олади Ўзбекистонда?

Масжидга жума номозига икки карра зиёдроқ чиққани учун МХХга чақирилиб «ваҳҳобий» ёки «хизбутчи» тамғаси урилиб, Жасликдаги турмага тиқилган ўғилнинг отаси кимга арзини айтсин, кимга ёлворсин бугунги Ўзбекистонда? Уч киши бозорбошида қайси чойхонага чиқишдан гурунглашиб тургани маҳал, мелисса аталмиш қароқчилар томонидан ўласи қилиб калтаклангани учун кимга эътироз билдирсин бу халқ? Эмишки, уч кишидан ортиқ тўпланиш ман этилади Ўзбекистонда!

Асосий қонуниimizда эса турли уюшмаларга аъзо бўлиш, намойишлар орқали фикрни билдириш эркинлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Абсурд!

Камина эътироз билдиришнинг энг мақбул ва хатарсиз йўлини топгандекман. Ҳозирча, Ўзбекистон телеканаллари орқали берилаётган «жаннатдан хабарларни» томоша қила туриб, гапирувчи, тиржайган, иршайган каллаларга овоз чиқариб эътироз билдира бошладим.

Баъзан бошлаб сўкишга ҳам жазм қиляпман. Айниқса, танишроқ башарани кўргудек бўлсам (кўпроқ депутатлар, ёзувчи, шоир ва журналистлар) бўралиб сўкишним эплаяпман. Уйдагилар ҳайрон. Бир бало бўлдимикан, деган хавотир ҳам йўқ эмас. Уларнинг хавотирлари ва танбехларига эътироз билдирмаяпман.

Чунки, эътирозларимга улар меникидан-да каттароқ эътироз билдиришини яхши биламан. Хуллас, бугунги Мустақул Ўзбекистонда фақат телевизорга эътироз билдириш мумкин бўлса керак. Балки, буям ҳозирчадир...



Мустақилликдан кейинги 20 йилдан ортиқ вақт мобайнида Ўзбекистондаги олий таълим соҳасини ривожлантиришда мутлоқ мувафақиятсизликка юз тутганлигини кузатиш мумкин.

Бу айниқса олий таълим сифатининг жаҳон стандартларига мос келмаслиги билан изоҳланади.

Ҳозирги кунда Ўзбек олий таълим тизими бюрократия ва коррупция ботқоғига ботиш баробарида унда таълим сифатига жиддий салбий таъсир қилувчи мафкуравийлашиш жараёнлари ҳам чуқур илдиз отиб бормоқда.

Бундай ҳунук ҳолатлар жамият ва миллатнинг тараққий этишига салбий таъсир этаётганлигини яширмас ҳам бўлади.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон ҳукумати мустақилликка эришгандан сўнг олий таълим сифатини шакиллантира олмади деган хулоса қилиш мумкин.

Ушбу хулосамизни ва нуқтаи назаримизни бир қанча омиллар билан изоҳлаш мумкин.

Олий таълимда коррупциянинг палак ёзиши

Олий таълимдаги коррупция ўқув даргоҳига қабул қилиш жараёнлариданоқ бошланади. Бу ҳақда интернет нашрларида кўпгина танқидий мақолалар эълон қилган.

Айниқса, 2013 йилнинг август ойида Анвар Ибодов номли муштарий томонидан йўлланган "Имтиҳон сирлари" мактуб асосида ozodlik.org сайтида чоп қилинган туркум мақолаларда Ўзбекистондаги олий ўқув юртларида кириш имтиҳонлари билан боғлиқ коррупция ҳақида батафсил маълумот берилди.

Ушбу мактуб асосида 9 қисмга ажратилган ҳолда ozodlik.org сайтида чоп қилинган мақолаларда олий ўқув юртига кириш имтиҳонлари вақтида қўлланиладиган турли ноқонуний йўллар ҳақида хикоя қилинади.

Эътиборли жиҳати, санаб ўтилган ноқонуний йўлларнинг аксарияти Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати (МХХ) вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Аслида имтиҳоннинг қонунбузарликларсиз ва ҳаққоний

ўтиши учун жавобгар бўлган махсус хизмат вакилларининг ушбу жараёндаги коррупция бошида ўзлари турганлиги маълум бўлади.

Миллий Хавфсизлик Хизмати икки ёқламали ўйин иштирокчиси Юқорида таъкидлаганимиздек МХХ ҳодимлари олий таълим даргоҳидаги раҳбарият ва қабул комиссиясининг маъсул шахслари билан тил бириктириб олинган порада ўз улушига эгадирлар.

Бундай махфий амалиётларнинг деярли барча олийгоҳларда содир

ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ИНҚИРОЗГА ЮЗ ТУТМОҚДА

бўлиши бугунги кунда кўпчилик учун сир бўлмай қолди.

Шу билан бирга, кириш имтиҳонлари вақтида МХХ томонидан баъзи олийгоҳларда махсус рейдлар ташкил этилганлигига ҳам гувоҳ бўлганлар бор.

Бу албатта МХХ ҳодимларининг ўз хизмат вазифаларидан доирасида амалга оширилади, бироқ кузатишлар натижасида шу нарса англашиладики, МХХ нинг бу ҳаракатлари кириш имтиҳонлари вақтида коррупция билан боғлиқ ноқонуний ишларга МХХ билан келишмаган ҳолда аралашиб қолган "рақобатчи" гуруҳларга қарши қаратилган бўлади.

Демак, МХХ бир тарафдан ўз ваколатлари доирасида коррупцияга қарши кураш олиб боради, иккинчи томондан эса порахўрлик жараёнида жиноятга шериклик қилади.

Албатта бу ҳолатни Ўзбекистонда олий таълимни инқироз сари етаклайдиган илк қадамлар дейиш мумкин.

Олий таълим сифатига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар

Ўзбекистонда олий таълим тизимининг сифат кўрсаткичлари охириги 10 йил мобайнида кескин тушиб кетганлигини кузатиш мумкин.

Бунга сабаб олий таълим муассасаларидаги ички муҳит, раҳбарият ва профессор-ўқитувчилар ўртасидаги зиддиятлар ҳам муҳим таъсир кўрсатади.

Олий таълим муассасаларидаги соғлом муҳитга таъсир қиладиган бир қанча ҳолатларни санаб ўтиш мумкин:

Биринчидан, ўз фикрини очиқ баён этадиган, ҳалол ва қатъиятли ўқитувчиларга нисбатан олий таълим муассасаси раҳбарияти томонидан босимлар мавжудлиги.

Чунки, ўқувчиларнинг бундай сифатга эга бўлиши олий таълим муассасасининг раҳбариятига

унчалик ҳуш келмайди.

Улар дадил ва очиқ гапирадиган, таълимдаги камчиликларга танқидий баҳо берадиган ўқитувчиларнинг мавжуд камчиликлар ҳақида олий таълим муассасасидан ташқарига бирор маълумот бериб қўйишидан чўшишади.

Шунинг учун бу тоифадаги ўқитувчиларни қисқартириш ва турли баҳоналар билан йўқотишга ҳаракатлар қилинади.

Иккинчидан, олий ўқув юртига

пора билан кирган талаба ўқишни ўзлаштира олмаса раҳбарият бундай талабанинг баҳоланишини ўқитувчидан талаб қилади.

Оқибатда фанларни ўзлаштирган ва ўзлаштира олмаган талаба тенг баҳоланади. Бу эса, ўз навбатида талабалар олдида ўқитувчининг обрўси йўқолишига олиб келади. Фанларни ўз билими билан ўзлаштирган талабада эса ўқишга нисбатан иштиёқ кескин пасаяди.

Учинчидан, кўпгина олий таълим муассасаларида баъзи профессор-ўқитувчилар томонидан пора эвазига баҳо қўйиш ҳам авж олган.

Бу тоифа ўқитувчилар олинган пора орқали ноқонуний даромадга эга бўлишади.

Бунинг асосий сабабини табиийки ўқитувчиларнинг ойлик маошлари оиласини эҳтиёжларини қондира олмаслиги билан изоҳлаш мумкин.

Тўртинчидан, бугунги кунда таълим тизимида самарасиз бюрократик тизим ривожланишнинг авж нуқтасида дейиш мумкин. Буни таълим тизимида ишлаётган раҳбариятдан тортиб барча ҳодимлар ва ўқувчиларга таълим олишиди.

Ҳозирги пайтда ўқитувчининг салоҳиятига эмас балки, кўплаб қоғоз ҳужжатларни ва турли ҳисоботларни тўлдирганлик асосий талабга айланган. Айтиш мумкинки сон кўрсаткичи сифат даражасидан устун туради.

Бешинчидан, Ўзбекистондаги бутун олий таълим муассасаларининг мажбурий меҳнатга жалб қилиши.

Турли хил давлат тадбирлари ва ҳашарларда олий таълим муассасаси ўқитувчилари билан бир қаторда талабалар ҳам мажбурий меҳнат объектига айланиши ҳозирда ҳеч кимга сир бўлмай қолди.

Айниқса, олий таълим муассасалари ўқитувчи ва талабаларининг пахта мавсумида мажбурий меҳнатга жалб қилиниши халқаро жамоатчилик эътирозларига ҳам сабаб бўлгани барчага маълум.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Ўзбек илм фанининг мафқуравийлашуви

Собиқ совет иттифоқидаги тоталитар тузум таълим тизимини мафқуравийлашувида тамал тошни қўйган бўлса ҳозирда мустақил Ўзбекистонда таълимнинг мафқуравийлашуви ўзига ҳос бир тарзда давом этмоқда. Бугунги кунда бошланғич таълимдан тортиб олий ўқув юртларигача бўлган таълимнинг барча бўғинларида Президент И.А. Каримов асарлари кенг тарғиб қилиниши бунга яққол мисол бўла олади. Ҳатто, бундай мафқуравий тарғибот ўқувчилар ва талабалар билан бир қаторда тарғибот учун масъул бўлган ўқитувчиларнинг медресига тегиб кетган. Чунки, вақт ўтгани сари аҳолининг турмуш даражаси ва мамлакат иқтисодининг барча жабҳаларидаги аҳвол тобора ёмонлашиб бориши президент асарлари асосини ташкил қилувчи ривожланишнинг “Ўзбекча модели” реал воқелик ном келмаслиги ва замон талабларига жавоб бермаслиги исботлади.

Шунга қарамасдан, илм билан шуғулланувчи ўзбек олимларининг илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш чоғида президент асарларидан иқтибос келтириш мажбурияти ёзилмаган талабга айланган. Буталабга риоя қилмаслик эса илмий ишнинг ҳеч қачон маъқуланмаслигини билдиради. Ҳаттоки илмий иш қилувчилар учун “Президент асарлари” бўйича малакавий имтиҳонлар топшириш ҳам йўлга қўйилган. Бошқа сўз билан айтганда ёзилган ҳар қандай илмий иш мазмунан президент И.А. Каримовнинг қарашларига зид бўлмаслиги лозим. Агар ўзгача қараш ва ёндашувлар кўзга ташланадиган бўлса, бундай илмий тадқиқот йўққа чиқарилиши барчага маълум. Илм-фаннинг ушбу ҳолат натижада қилинаётган илмий тадқиқотлардаги фикрлар хилма-хиллигининг, асосийси, ҳолисликнинг, йўқолиб кетишига олиб келмоқда. Шу сабабли ҳам ҳозирда Ўзбекистонда кўзга кўринган ва малакали олимлар сони жуда камчилиқни ташкил қилиб, борлари ҳам ҳорижга чиқиб ўз ишларини давом эттиришни афзал билишмоқда.

Юқорида санаб ўтилган барча омиллар ва олий таълим тизимига салбий таъсир қиладиган ҳолатлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, бугунги кунда Ўзбекистонда олий таълим деярли инқироз ҳолатига тушган. Мавжуд бошқарув тизими иқтидорда давом этар экан, бу инқироз ҳолати янада чуқурлашиб бораверади.

Саид Али

23 феврал куни Ўзбекистоннинг интернетдаги ёшу-қариси бир-бирини зўр бериб Қизил Армия ташкил топган кун билан табриклаб ётган бир пайтда, Россия тарафдан ушбу ўлка аҳолисига “мужда” йўлланди.

Мужда шундан иборатки, Россия думаси депутаты, йирик ЛДПР фракцияси лидери Владимир Жириновский Марказий Осиё давлатларини Россия таркибига федерал округ сифатида қўшиб олишни таклиф қилди. Жириновский ҳаттоки Қозоғистоннинг собиқ пойтахти 1,5 миллионлик Олматани ўз номи билан аташдан ор қилиб уни Чор Россияси давридаги “Верный” номи билан атади.



“Ўрта Осиёда ҳеч қандай республика йўқ. Бош шаҳри Верный бўлган Урта Осиё федерал округи!

Ҳозир уни бегона ном билан Олматодан дейишади, менинг она шаҳрим”, деди Жириновский қатъият билан. Дума депутаты Марказий Осиёни босиб олиш ҳақида гапираркан, унинг сўзлари Россия-24 телеканали орқали ушбу ўлкаларга узатилиб турилди. Қизиғи, Жириновский тўғридан-тўғри таҳдиди ўзбек ижтимоий тармоқларида Губерниевнинг адашганлиги каби акс садо бермади. Онда-сонда твитларни айтмаса, деярли эсланмади ҳам.

Кимдир буни Жириновскийнинг зиддиятли шахси билан боғлаб “ит хурақ, карвон ўтар”, деб изоҳлаши мумкин. Лекин унутманг, Жириновский бизнинг тасаввуримиздаги бир девона эмас. У Марказий Осиёга ҳужум қилишга доир қарор олиши мумкин бўлган Россия Думасининг таъсирли сиёсатчиларидан. Қозоғистон шимолини Россияга қўшиб олишни Жириновскийдан бир ҳафта олдин муҳолифатдаги сиёсатчи Лимонов ҳам айтган эди.

Хўш, Жириновскийнинг ушбу сўзларига Россия расмийлари қандай муносабат билдирди, дейсиз. Давлат думаси аппарати раҳбарининг ўринбосари Юрий Шувалов Дума депутатларининг ўз позицияси бўлишига ҳаққи борлигини айтиб чиқди. Жанубий Осетия ҳодисасини эслаш кифоя. Россия гўё ўз фуқароларини ҳимоя қилиш баҳонасида Грузиянинг таркибий қисми бўлмиш Жанубий Осетияга қўшин киритиб уни Грузия таркибидан чиқариб олган эди.

Мени хавотирга солаётгани, Россия расмийлари томонидан Марказий

Осиё, жумладан, Ўзбекистонга бу каби ҳурматсизларча муносабати эътиборсиз ёки айрим ўринларда хайрихоҳлик билан қарши олинаётганидир. Бизга олис бўлиб кўринаётган Россия томонидан хавф бир зумда эшигимиз остида пайдо бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Тожикистон ва Қирғизистон иқтисодий ночорлиги туфайли ўз худудларида ўрис аскарларига жой бериб қўйиши. Ёки Қирғизистон ўз газ саноатини бутунлай ўрисларга топшираётгани хавотирли.

Қозоғистондаги Россия полигонлари ва космодроми ҳақида гапирмайин ҳам қўя қолай. Космодром бизда деб мақтанувчи қозоқ қардошларимиз унга ҳаттоки Россиянинг руҳсатсиз эркин кира олишмайди ҳам.

Қозоғистон бозорининг Ўзбекистонга ёпилиб, Россия ишлаб чиқарувчилари учун очилаётгани ва ички конкуренция бутунлай ўлаётгани хатарлидир.

Нима қилиш керак?

Аввало, Россияга сиёсий мафқурасини эмин-эркин Ўзбекистон худудидан ёймаслиги учун ушбу давлатнинг телеканаллари трансляциясига барҳам бериш керак.

Узимизнинг телеканаллар ҳозирча информацияга бўлган талабни қондира олишга қурби етмайди. Шу сабабдан ушбу бўшлиқни тўлдириш учун минтақада империалистик мақсадлари бўлмаган Украина, Грузия, Озарбайжон, Қозоғистонларнинг рус тилида чиқадиган телеканаллари трансляцияларига имкон бериш керак.

Яна инглиз тилида чиқувчи каналларнинг (Америкадан ташқари) трансляциясига йўл очиш керак.

Ҳозир Россия Ўзбекистоннинг ташқи савдодаги асосий ҳамкори бўлиб турибди. Ушбу улушни бошқа давлатлар эвазига камайтириш чоралари кўрилиши лозим. Ўзбекистон ичида тадбиркорларнинг ўз ишини қилишга давлат шароит яратиши ва четдан инвестиция киришини кўпайтириши лозим. Бунинг учун коррупцияни камайтиришга ва сўз эркинлигига йўл очишга тўғри келади. Ана ўшанда миллионлаб аҳолимиз Россияга ишлаш учун кетмаслиги мумкин, бу эса Россиянинг бизга ўтказиши мумкин бўлган таъсир воситаларини камайтиради. Кўр ҳассасини бир марта йўқотди. Биз имкониятимиздан фойдаланиб бўлдик. Эндигиси жуда қимматга тушиши мумкин.

Зокирбек Ўринов

Аҳолининг табиий газдан қарздорлиги ҳақида кўп гапирилаяпти. Лекин уни баргараф этиш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар ҳам кутилган натижани бермаяпти. Хўш, бунинг сабаблари нимада, дея ёзади “Қашқадарё” газетаси. Таъминот корхоналари ходимлари деярли бир хил гапни қайтаради: баъзи истеъмолчиларнинг тўлов интизомига риоя қилмаслиги, айримларининг эса бу ой бўлмаса, келгуси ой тўлайман деб бамайлихотир юриши ва қарзи кўпайиб кетгач, тўлаш хуш ёқмай қолиши, ноқонуний уланишлар ва хоказо...

Буни инкор этиб бўлмайди. Аммо қарздорлик юзага чиқишига фақат шулар сабаб бўлаяптими?

Таъминот корхонасининг назоратчи деган масъул ходими ўзига биркитилган худудда истеъмол қилинган табиий газ ҳисоб-китобини юритади. У маълум вақтда истеъмолчилар хонадонига кириб, ҳисоблагич кўрсаткичини, газдан ноқонуний фойдаланилаяптими-йўқлигини ҳужжатлаштириб бориши кераклиги хизмат йўриқномасида ўз аксини топган. Лекин назоратчи шу вазифасини удалай олаяптими? Унинг ўзи биркитилган худуд бўйича таъминот корхонасига тақдим этаётган газ сарфига оид маълумотлари реал ҳолат билан мутаносиб келадими?

Газетанинг ёзишича, назоратчилар компьютерга киритадиган маълумотлар истеъмолчиларнинг ҳисоблагичидаги кўрсаткичдан фарқ қилади.

Биргина ўтган йили вилоят истеъмолчилар ҳуқуқларини

ҳимоя қилиш жамиятлари худудий бирлашмаси ва унинг жойлардаги бўлимларига бу борада 243 та мурожаат бўлган. Мурожаатлар ўрганилиши натижасида истеъмолчилар фойдасига жами 63 миллион 55 минг 600 сўм ундириб берилган. “Жорий йилда ҳам бундай ҳолатлар кузатилаяпти, – дейди худудий бирлашма ижрочи директори Алишер Муҳаммадиев. – Мисол учун,

товар қаерга кетган? Уни аслида ким ёққан? Ана шу саволларга ҳам кимдир жавоб бериши керакми-йўқми? Шундоқ ҳам истеъмол қилган табиий газ ҳақини “норма” асосида тўлайдиганлар айрим назоратчиларнинг нақд “ўлжа”сига айланиб турган бўлса... “Акт”лар асосида ёзилган қарздорликлар эса ўзи бир охири кўринмайдиган ғавғо, дея ёзади “Қашқадарё” нашри.

"Газ йўқ!" аммо "Қарздорлик кўп!"



газ сарфини ҳисоблаш ускунаси ва газ таъминоти идорасидаги кўрсаткичлар мос келмаслиги натижасида Қарши шаҳар Маҳаллот маҳалласида яшовчи Т.Негматов хонадонига 317770 сўм, Наврўз маҳалласида яшовчи С.Тожиёв хонадонига 597687 сўм, Қарликбоғот маҳалласида яшовчи Г.Шукурова хонадонига 656578 сўм асосиз қарздорлик ёзилгани аниқланди ва ўрганишлар давомида тўпланган ҳужжатлар прокуратурага тақдим этилди”. Ўша “виждонсиз компьютер” ой якунида бир хонадонга (аслида бундай ҳолат юзлаб топилади) 2000 куб газ кўшиб ёзди. Ана шу асосда таъминот корхонаси бир ой давомида олинган табиий газ ва истеъмолчиларга етказиб берилган газ ҳисоб-китобининг балансини чиқарди. Хўш, энди савол туғилади. Кимгадир норезал ёзилган табиий газ қарздорлиги ҳисобидан “ёпилган”

“Бу масаланинг ечимини топиш мақсадида бир қатор ишларни амалга ошираяпмиз, – дейди Қарши шаҳар газ таъминоти идораси раҳбари Шокир Розиков. – Ҳар бир мурожаатни ёзма олиб, назорат қилаяпмиз. Қолаверса, назоратчиларнинг ҳуқуқий билимини ошириш учун қўлланма берганмиз, турли ўқувлар ташкил этаяпмиз. Қасб этикаси бўйича ўқувлар ўтказишни режалаштирганмиз.

Махсус дафтар ишлаб чиқдик ва уни муҳрлаб, назоратчиларга бермоқчимиз. Унда ҳисоблагичларнинг кўрсаткичлари кунлик ёзиб борилади ва бу борада ноаниқликларга чек қўйилади”.

Аммо қачон? Умуман, булар ҳам самара берармикан ўзи, дея сўрайди нашр.

“Қашқадарё”
газетасидан олинди

Бу савол жавобини мантиқни ишлатиб топа олмадим.

Хозиргина рус тақирбошлари калтаклаган ўзбек уст бошини қоқиб ўша зolimларга табассум ҳадя қилади. Уйига келиб skyre олдига келиб «Украинани

яшамаган Бандера қандай қилиб СССР хоини бўлиши мумкин.

Яна бир билағонлар Бандерани фашист, Гитлерни дўсти бўлган дейди. Улар Бандера Гитлер буйруғига кўра канцлагерга ташлангани билмайди.

НЕГА ЎЗБЕКЛАР ПУТИННИ СЕВАДИ?

миллатчилар эгаллади» деб Озодликка изох ёзади.

Ўзи билмаган Бандерани гўрига гишт қалайди. Бандера ким десам СССРда шунақа ватан хоини бўлган дейди (буни сал харф танигани айтади) 1909 йилда Австрияда туғилган ва СССРда бир кун ҳам

Бандера Заксенхаузен лагерига 1944 йилгача ётган. Агар Бандера фашистларга хизмат қилганида уни Нюренберг маҳкамаси осган бўлар эди. Бандера Мюнхенда яшади ва 1959 йили КГБ киллери Богдан Сташинский тарафидан ўлдирилди. Бандерани дафн

қилиш маросимида Туркistonлик Вали Қюмхон марсиялар сўзлади. ГФР ҳукумати КГБ киллерини қотилликда айблаб ҳибсга олди. Бандера ўз миллатини севган ва ўз миллати учун жонини фидо қилган бир украин эди. Совет пропагандаси уни демонлаштирди....

Мамлакат мустақил бўлганига 20 йилдан ошса ҳам кремл юлдузига сиғинамиз. Путинга бағишлаб севги кўшиғи айтаемиз. Албатта севгини кўзи кўр. Кўр бўлмаганида одам ўз қотилини ҳам севадими.

PS. Бугун яна хабар келди. Россияда яна бир ўзбекни ўлдириб кетишибди.

Шухрат Бобожон

Кундалик хаётда таниш-билишлардан эшитганларимга кўра, “раҳбарлик маданияти” деган тушунча тарихда қолиб кетгандай туюлади. Айниқса, қишлоқ хўжалик бошқарув тизимидаги раҳбарларнинг оғзидан чиқадиган сассиқ гапларни эшитган одам, булар кунда далага соладиган маҳаллий ўғит аталмиш “пекало”га оғиз чайдими деб ўйлайди. Ҳа энди булар ...ўққа яқин юргани учун сасиса керак-да, деб ўйлай

“СЎКОНҒИЧ РАҲБАРЛАР”

бошласанг, катта шаҳарнинг қоқ марказида юмшоқ креслоларда ширин шарбатлар ичадиган “коттаконлар” туман, қишлоқдаги “сассиқкекирдиклар”ни ортда қолдириб кетар экан. Улар суҳбатдошни, тўғрироғи, тингловчи, янаям тўғрироғи, тек туриб эшитувчиларни ота-онасидан тортиб етти пуштигача, эшитса гўрда тикка турадиган сўзлар билан саситиб сўкмасалар, ишлари юрмас эмиш.

Қаердан бошланганини билмайман-у, лекин сўконғич раҳбарлар мустаҳкам занжир ташкил қилиб улгуришган кўринади.

Президентимизнинг бу борада муштумзўр, сўконғич раҳбарларга орамизда жой йўқлиги ҳақида

огоҳлантиришлари ҳам иш бермаяпти. Кун сайин бундайлар сафи кўпайса кўпайяптики, камайгани йўқ. Зиёли қатлам деб аталадиган ўқитувчилар, врачлар, тадбиркорлар, муҳандислар ва ҳоказо касб эгалари орасида ҳам бундай раҳбарлар кўпайиб, ўзларини жуда эркин сезяптилар.

Бу касаллик эпидемия кўринишини олмасдан, олдини олиш ҳақида бош қотириш вақти келгандир. Бунинг учун уларнинг

пайдо бўлиш сабабларини аниқлаш керак.

Менинг кусурли фикримча, аввало, қонунларнинг амалда ишламаслиги катта сабаб қилиб кўрсатилса, кейинги сабаб одамларимизнинг ўз ҳуқуқларини яқдиллик билан талаб қила олмасликларидир. Мана шу ерда бир воқеани айтиб кетсам. Туман раҳбари қишлоқ хўжалик масалалари бўйича йиғилишда бир коллеж директорини (бундай йиғилишларда таълим тизими раҳбарлари қатнашиши ҳеч кимга сир эмас) мажлис иштирокчилари олдида ошқора бўралаб сўкади. Ҳамиятли директор ҳоким билан ёқалашиб кетади. Мажлисда директорни ошқора жазолай олмаган ҳоким “арбоб” сифатида

ҳар “боб” билан уришни бошлайди.

Иш бўлган жойда камчилик бўлганидек, “выскачка-директор”ни ишдан бўшатиш учун етарлича камчиликлар топилади, унинг устига уни таълим тизимидан умуман четлатишга ҳам замин ҳозирланади. Алал-окибат ниятга эришилади ҳам. Бу тумандаги бошқа раҳбарчалар учун “дарс” вазифасини ўтаган шекилли, қолганлар ҳамиятларини уйда кўрпа қатига беркитиб мажлисда қатнашадиган бўлишган.

Унақа мажлисларда ка-а-а-гтаконларнинг ҳақоратиға норозилик билдириб қўйсангиз, нақд қорнингиздан отилишингиз бетингизга айтилиб, прокурорга сизни ўша пайтнинг ўзидаёқ кишанлаш топширилиши мумкин.

Хуллас, бундай раҳбарлардан кутулиш учун ҳукумат қандай ислохот ўтказиши мумкин деб ўйлайсиз?

Мен эса ҳозирча шундай раҳбар “хужуми”га дуч келиб қолсангиз, ҳамиятингиз эсингиздан чиқмаслигини, осмон уларнинг қўлида эмаслиги, қонунни яхшилаб ўргансангиз, уларнинг ўзини креслосидан учираб юборишингиз реаллигини айтмоқчиман, холос. Ҳукумат бундай раҳбарлар орқали халққа қора бўлишдан манфаатдор эмас. Буни эсдан чиқарманг.

Эркинжон Каримов



АҚШ билан ўзаро хавфсизлик келишувини имзолашни истамаган ва 2001 йилдан буён ўлкада давом этаётган НАТО ишғолида АҚШнинг энг яқин ҳамкори кўрилган Хамид Карзай учун бундан буён АҚШнинг ўзи бир таҳдидга айланган.

АҚШ президенти Барак Обама афғон ҳамкасби Хамид Карзай билан ўтказган телефон суҳбатида Афғонистон ҳукуматининг имзолашни истамагани ўзаро хавфсизлик келишувини муҳокама қилган. Обама келишувни

имзоламагани тақдирда АҚШнинг Афғонистондаги ҳарбий контингентини тўлиғича олиб кетиши мумкинлигини баён қилган.

Айни пайтда, Барак Обама Пентагонга топшириқ бериб, АҚШ 2014 йилдан кейин Афғонистон ҳудудида ўз ҳарбийларини жойлаштирамаслик қарорини олса, шу йил охиригача аскарларнинг ҳаммасининг олиб кетиш бўйича махсус режа ишлаб чиқишни буюрган.

Бошқа тарафдан, агар

ўзаро хавфсизлик келишуви имзоланса, Обаманинг Вашингтоннинг Афғонистонда “ал-Қоида” билан боғлиқ гуруҳларга қарши курашда таълим ва маслаҳат берувчи мутахассислардан иборат бир контингент қолдиришга тайёр экани маълум қилинган. Обама ва Карзай суҳбатидан кейиноқ Пентагон раҳбари Чак Хейгел 2014 йил охиригача Афғонистондан АҚШ аскарларини тўлиғича олиб кетиш бўйича режа тузишга киришганини айтган.

АҚШ-Карзай муносабатларини Афғонистоннинг матфаатларини охириги ўринга қўйган ва сиёсий ўйинларнинг бир кўриниши улароқ баҳолайдиган бир қатор мутахассислар телефонча бу таҳдидларни ҳам АҚШ ва Карзайнинг ўзаро ўйинидаги бир сахна, холос, демоқдалар.

UZBEK.FM



Иброҳим алайҳиссалом

Иброҳим алайҳиссаломнинг пайғамбар бўлиши

Аллоҳу Таоло Иброҳим алайҳиссаломга Жаброил алайҳиссаломни юбориб динини ўргатди (56) ва қавмига пайғамбар этиб йўллади (57).

Шундан кейин унинг отаси ва қавми орасида кечганлари, Куръони Каримда Шундай билдирилади:

“Хогирланг, у отасига: “Эй ота, сен нега эшитмайдиган, кўрмайдиган ва сенга ҳеч фойда келтирмайдиган нарсага топинасан? Эй ота, муҳаққақки, сенга келмаган бир илм менга келди. Бас, сен менга эргаш, сени ҳақ йўлга чиқарайин. Эй отам, Шайтонга ибодат қилма. Чунки Шайтон Раҳмонга осий бўлгандир. Эй ота, ҳақиқатан ҳам сенга Раҳмон тарафидан бир азоб келиб, Шайтонга ёр бўлишингдан кўрқаман!” — деди. (Отаси):

“Эй Иброҳим, сен менинг тангриларимдан юз ўгирмоқчимисан? Онт ичаманки, бундан воз кечмасанг, сени тошбўрон қиламан. Ва мени узун муддат тарк эт!” — деди. (Иброҳим эса):

“Омонбўл. Энди Парвардигоримдан сени мағфират қилишини сўрайман. Шак-шубҳасиз, у менга меҳрибон бўлган Зотдир. Сизлардан ҳам, сиз Аллоҳни четлаб, топинганингиз бутлардан ҳам узоклашмакман. Роббимга илтижо қиламан. Роббимга дуоларим шарофати ила сизлардай бебахт бўлмасман, дея умид қиламан”, — деди (58).

Иброҳим алайҳиссаломнинг отаси учун мағфират сўраши унга берган ваъдаси сабабли эди. Унга отасининг Аллоҳ душмани эканлиги маълум бўлгач, отасидан бутунлай узоклашди.

Албатта, Иброҳим кўнгилчан ва ҳалийим эди (59)”.

Ўшанда у отаси ва қавмига:

- Сиз топинаётган бу тимсоллар (бутлар) нимадир? — деб сўраганди. Улар:

- Биз оталаримизни шу бутларга топинаётганини кўрганмиз, — дейишди. (Иброҳим):

- Онт ичаманки, сиз ҳам, оталарингиз ҳам очик залолатда экансизлар, — деди. (Улар):

- Сен бизга ҳақиқат олиб келдингми ёки сен ҳазил қилгувчиларданмисан? — дедилар. (Иброҳим):

- Йўқ, сизнинг Роббингиз осмонлар ва ерни яратган Аллоҳдир, буларни У яратгандир, мен бунга гувоҳлик бергувчиларданман, — деди (60).

Ўшанда у отасига ва қавмига:

- Сизлар нимага топиняпсизлар? — деганида, улар:

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (8).

- Бут-санамларга ибодат қилмоқдамиз. Бас, уларга содиқ қоламиз, — дейишди. (Иброҳим) айтди:

- Сиз уларга дуо этиб, ёлворганингизда ёлворишингизни эшитадиларми? Ёки сиз (дуо қиларкан) бир фойда (дуо қилмас экан) бир зарар келтирадиларми? Улар:

- Йўқ, биз оталаримизнинг шундай топинаётганини кўрганмиз, — дейишди. (Иброҳим):

-Энди боболарингиз ва сизлар нимага топинганингизни англадингизларми? Шак-шубҳасиз, улар менинг душманамдир. Фақат бутун оламларнинг Робби бундай эмасдир. У Робб мени яратгандир, менга тўғри йўлни кўрсатган Удир. Мени тўйдирган, ичирган Удир. Касал бўлсам менга Унинг Ўзи шифо берур. Мени аввал ўлдириб, кейин тирилтирajak бўлган Удир. Жазо куни (киёмат)да менинг гуноҳларимни мағфират қилишига умид боғлаганим ҳам Удир. Роббим, менга ҳикматингни эҳсон эт ва мени солиҳ (қул)ларинг каторига кўш. Мендан кейин келганлар ичида мен ҳақда бир лисоний сидқ (яхши хотира) қолдир. Мени Наим Жаннатининг ворисларидан айла.

Отамни ҳам мағфират айла. У адашганлардан бўлди. (Кулларинг) қабрлардан қалқажак куни мени шарманда этмагин. У куни на молу давлат, на ўғил-фарзанд ёрдам бера олади. Магарки, Аллоҳ ҳузурига (куфр ва нифокдан) Солим ва Холис қалб ила келганлар мустасно. У кун шундай кундирки, Жаннат такво соҳибларига яқинлаштирилгандир.

Дўзах эса йўлдан озганларга кўрсатилди. Ва уларга:

- Сизлар Аллоҳни қўйиб, топинган бутларингиз қани? Улар сизга ёрдам бера оладиларми ёхуд ўзларига ёрдам бера оладиларми? — дейилди.

Бас, булар (бутлар) ҳам, йўлдан озганлар ҳам, Иблис лашкарлари ҳам юзтубан жаханнамга улоқтирилдилар. Улар у ерда бир-бири билан тортишиб:

- Аллоҳга онтки, биз сизлар (бут)ни бутун оламларнинг Робби билан тенглаштирганда, оппа-очик залолатда эдик.

Бизни у мужримлар (дохийлар) йўлдан оздирди. Энди биз учун на шафоатчи, на-да бирон кадрдон дўст бор. Улар “қанийди, яна бир бор (дунёга) келишнинг иложи бўлса, биз ҳам мўминлардан бўлсак”, деяжаклардир (61).

Иброҳим алайҳиссаломнинг бутхонадаги бутларни синдириши

Иброҳим алайҳиссаломнинг бутларга қарши ҳаракатлари қавми ичига ёйилган, аммо бу Намруднинг қулоғига етмаганди. Иброҳим алайҳиссалом ўз қавмини бутларга топинишини тарк этиб, Аллоҳу Таолога сиғинишга даъват этганида, қавми:

- Сен кимга ибодат этасан, — деб сўради.

- Роббил Оламинга, — дея жавоб берди Иброҳим алайҳиссалом.

- Намрудга топин! — дедилар унга. -Йўқ, мен мени яратган Зотга топинаман, — деди Иброҳим алайҳиссалом.

Энди Иброҳим алайҳиссаломнинг фаолияти очик-ошкор бўлганди. Намрудга ҳам хабар етганди (62).

Иброҳим алайҳиссаломнинг отаси Озар ўғлини бутпарастга айлантириш учун бир тадбир ўйлади.

- Эй Иброҳим, бизнинг бир байрамимиз бор, агар унда биз билан қатнашсанг, ҳар ҳолда динимиз сенга маъкул бўлажак, — деди у.

Байрам куни келди. Ва Иброҳим алайҳиссалом қавми билан йўлга чиқди. Бир оз юргач, йўл ёқасига ўтириб, “мен хастаман, вабога тутилдим”, — деди. Буни эшитган оломон, унинг оёқларини топтаб, тўрт тарафга қоча бошлади. Иброҳим алайҳиссалом энг орқада қолганларига сасланди (63): - Аллоҳга ямин этаманки, сиз елкангизни ўгириб қочгандан сўнгра, мен сизнинг бутларингизга бир тузоқ қураман, — деди (64).

(Давоми келгуси саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Қочаётган оломоннинг орқа каторидагилар Иброҳим алайҳиссаломнинг хитобини эшитди. Иброҳим алайҳиссалом бутлар қўйилган бинога қайтиб келди. Бино жуда катта эди. Бутхона эшиги қаршисида катта бут бор эди (65), у олтидан ясалганди. Унинг кўзларига тунда порлаб турадиган иккита гавҳар ерлаштирилганди (66).

Унинг ёнида узун-қиска қатор бутлар тизилиб турарди. Бутпарастлар байрамга кетар экан, бутларнинг олдига овқат қўйиб, “уларбу емакларни баракатлантисин, байрамдан кейин келиб еймиз”, дея ният қилгандилар. Иброҳим алайҳиссалом бутларга ва олдиларида турган емакларга боқиб (67):

- Нечун емак емаяпсизлар? — дея сўради у бутлардан. — Нима ҳеч гапирмайсизлар-а? — деди яна у (68).

Иброҳим алайҳиссалом қўлига бир болта олиб, бутларни бир ўтин каби ёрди (69). Ҳар бирига урар экан:

- Ўзингни ҳимоя қилсангчи! — дерди (70).

У бутларни парча-парча этди. Фақат энг катта бутга тегмади, балки унга (мушриклар) мурожаат қиладилар, дея (71). Болтани ҳам ўша катта бутнинг бўйнига осди ва бутҳонани тарк этди.

Бутпарастлар табаррук бўлсин, дея қолдирган емакларини олиш учун бутхонага келишди ва бутларнинг аҳволини кўриб (72):

- Бизнинг тангриларимизга буни ким қилди?

- Ҳар ҳолда, у золимлардан бириди. Иброҳим деган бир ёш йигит бу ҳақда вайсаётганди (73).

- У бутларимизни ҳақоратлар, айблар ва уларнинг устидан куларди. Ундан бошқа ҳеч кимдан бундай сўзларни ешитмадик, — дейишди (74). Ва қавм Иброҳим алайҳиссаломнинг ёнига келди. Иброҳим алайҳиссалом уларга:

- Сиз ўз қўлларингиз билан йўнган нарсага топинаяпсизми, деди. Ҳолбуки, сизни ҳам, ясаганингиз нарсаларни ҳам Аллоҳ яратган-ку, — деди (75).

Бу ҳодиса ҳақида Намрудга хабар берилди (78).

Иброҳим алайҳиссаломнинг сўроқланиб, оловга улоқтирилиши

Намруд билан Ашрафий қавми Иброҳим алайҳиссаломни далил-исботсиз жазолантиришни истамадилар. Улар Иброҳим алайҳиссалом айбини бўйнига олишини истадилар (77).

- У ҳолда уни одамларнинг олдига олиб келинг. Ки улар ҳам Иброҳимга

қарши шохидлик этсинлар, — дейишди (78).

Иброҳим алайҳиссаломни олиб келишгандан сўнг, халқ ўз кироли Намруд ҳузурда тўпланди (79).

- Эй Иброҳим, тангриларимизга буни қилган сенми? — деб (сўрашди) улар. Иброҳим) айтди:

- Балки, бу ишни бутларнинг каттаси қилгандир. Агар сўйлай олсалар, улардан сўранг (80). Бутларнинг каттаси сизнинг кичик бутларга топинганингиз учун ғазабланиб, уларни парчалагандир балки, — деди (ва оломон бир оз инсофга келгандай бўлди). (81) Аммо кейин яна эски тушунчаларига қайтарилдилар ва:

- Онт бўлсинки, бутларнинг сўзлай олмаслигини сен ҳам биласан! — дейишди.

- Ундай бўлса, Аллоҳни қўйиб, сизга на фойда, на-да зарар келтира

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (8).

оладиган шу бутларга топинишда яна давом этмоқчимисиз? — деди (Иброҳим алайҳиссалом). (82)

Шунда қавм Иброҳим алайҳиссалом билан тортишиб, (ўз тангриларининг хайрироқ эканини иддао этди (83). Бунга ҳужжат келтиришга ҳаракат қилди.

- Аллоҳ мени тўғри йўлга қўйган экан, сиз хали ҳам мен билан тортишяпсизми? Сизларнинг унга шерик қўшганингиз нарсалардан ҳеч қўрқмайман. Магарки, Роббим истаган нарсагина юз берар. Роббимнинг илми ҳар нарсани қамраб олгандир. Хали ҳам ўйлаб, сабоқ олмадингизми? Улар ҳақида ҳеч бир далил ва бурхон индирилмаган нарсаларни Аллоҳга шерик қўшишдан қўрқмас экансиз, мен бу шерик қўшганингиз нарсалардан нега қўрқайин?

Энди айтинг: бу икки зумранинг қайси бириси қўркувдан амин бўлишга лойик?

Иймон келтирганлар, иймонларини ҳақсизлик ва ширкка булғамаганларгина қўркувдан амин бўлиш ҳаққига соҳибдурлар. Улар тўғри йўлни топган кишилардир (84), — деярак, Аллоҳу Таолонинг қўрқилишга, топинишга улар топинган нарсалардан лойикроқ эканлигини билиши учун ибратли тимсоллар келтирди (85). Намруд Иброҳим алайҳиссаломни ҳузурга қақариб:

- Сенинг шу топинганинг, халқни ҳам унга ибодатга даъват этганинг, кудратининг ҳар нарсадан устунлигини ифода этганинг илоҳни ўзинг қўрдингми? У қандай зот? — деди (86).

- Менинг Роббим ҳам тирилтиради, ҳам ўлдиради, — деди Иброҳим алайҳиссалом.

- Мен ҳам тирилтираман, ўлдираман, — деди Намруд (Бақара 258). Иброҳим алайҳиссалом унга:

- Сен қандай тирилтириб, ўлдирасан, — дея сўради.

- Ўлимга ҳукм қилинган икки одамнинг биттасини ўлдираман, бу билан уни ўлдирган бўламан. Иккинчисини афу этаман, уни тирилтирган бўламан, — деди Намруд (87). Иброҳим алайҳиссалом:

- Аллоҳ куёшни шарқдан чиқаради. Қани, сен уни ғарбдан чиқариб кўрчи, — деди ва кофир Намруднинг тили томоғига тикилди. Аллоҳ золимлар гуруҳини муваффақ қилмас (Бақара сураси 28).

Шундан кейин Намруд Иброҳим алайҳиссаломни етти йил зиндонда

сақлади (88). Сўнгра Намруд қавми билан бирга Иброҳим алайҳиссаломни ўлдиришга қарор қилишди (89).

“Унинг учун оловдан бир бино куриб, оташга улоқтиринг уни” (Сафот 97). Уни ёқинлар! Бу билан тангриларингизга ёрдам этинг, агар удалай олсаларинг (Анбиё 68)!

Намрудга “уни ёқинлар” деб маслаҳат берган одам форс баъдавийларидан Курт Ҳайзон эди. Аллоҳу Таоло уни ерга юттирди. У киёматгача ҳар кимирлаганда тобора ернинг тубига ботади. (Ибн Ҳабиб. “Китоб-ул муҳаттар, 391- саҳифа).

Намруд Иброҳим алайҳиссаломни ёқиш учун турли ўтинлардан тўплашни буюрди. Утинлар энг каттик, узоқ ёнадиганларидан танланди. Ҳатто Иброҳим алайҳиссаломнинг қишлоғидан бир касал хотин:

- Тангри мени хасталиқдан кутқарса, мен Иброҳим учун ўтин тўплайин, — дея қасд ҳам қилганди (90).

Намруд оташ учун қағир тошдан бир катта чуқур ҳам, тандир ҳам ясади (91) оташ ўчоғи Гута карерида эди, ўчоққа 3 ой ўтин тўплатилди (Ибн Илёс. “Бадаий уз-зухур”, 85-саҳифа).

Ва ниҳоят, ўчоққа тўпланган ўтинларга ҳар тарафдан ўт қўйилди. Оташ у қадар кучли эдики, устидан учган кушлар қоврилиб, ерга тушарди (92).

Оташнинг ҳарорати ва тутуни Гута халқини сал бўлмаса ҳалок этажак эди. Ҳароратнинг шиддатидан баъзилар ертўлаларга тушдилар (Ибн Илёс. “Бадаий уз-зухур, 85-саҳифа).

(Давоми келгуси сонда)



Ўзбекистон аэропортларида йўловчиларга тегишли компьютер ва мобил телефонларни текшириш чоралари кучайтирилди. Россиядаги меҳнат муҳожирлари Озодликка етказган бу хабарни Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизматидаги Озодлик манбаси тасдиқлади. Унинг айтишича, мамлакатнинг халқаро мақомга эга аэропортларида хориждан келаётган ва хорижга жўнаб кетаётган йўловчилар шахсий текширувдан ўтказилиб, юклари тинтилмоқда. Россияда меҳнат қилаётган ўзбекистонликлардан Тошкент аэропортида йўловчиларга тегишли мобил телефон, компьютер ва флеш карталардан тақиқланган материалларни қидириш жараёни ҳаддан ортиқ мураккаблаштириб юборилганини айтишмоқда.

Россияда меҳнат қилаётган ўзбекистонлик муҳожир Абдулло яқинда укасини уйга жўнатиб юборгани, Тошкент аэропортида йўловчилар бир неча соат давомида текширувдан ўтказилганини айтади Озодлик билан суҳбатда.

- Яқинда, 25 феврал куни кетди. Айтаяпти, қанақадир аппарат чиқарган. Бошига тутиб кўради ва компютер, флешкаларни текшираяпти. Компютерингизни очамиз, деб туриб олади. Ҳаддан ортиқ қилиб юборганлар, дейди

Озодлик суҳбатдоши. Абдуллонинг айтишича, йўловчилар ёнидан чиққан флешкарта ёки мобил телефонларда диний мавзудаги материаллар ёки порнографиядан ташқари, компьютерлари махсус хонага олиб кирилиб, мустақил ахборот агентликлари, хусусан Озодлик радиоси сайтига қирилганми, йўқми текширилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН АЭРОПОРТЛАРИДА ЙЎЛОВЧИЛАР КОМПЬЮТЕРЛАРИ «ҲАДДАН ОРТИҚ» ТЕКШИРИЛМОҚДА

- Олиб кириб кетади. Флешкани олиб кириб кетиб текшириб, компютерни энди ўзининг нимасини текширадиyo памятини, қаерга киргансиз, нима. Озодлик радиосига кирган бўлсанг ҳам шунақа дейишяпти.

Шунақа қаттиқ кўрқитишяпти. Масалан, биз ҳам Озодликдан янгилик ўқиймиз. Мен ўзим доимо Озодлик радиосига кириб янгиликлардан хабардор бўлиб тураман. Ўзинг эркин бўлиб туриб бир нарсани ўқиб билмасанг, дейди Абдулло.

Ўзбекистонда халқаро мақомга эга бўлган аэропортларда электрон ахборот ташувчи мосламаларни текшириш кучайтирилганини Озодликнинг Миллий хавфсизлик хизматидаги манбаси ҳам тасдиқлади.

Мамлакатнинг халқаро аэропортларидан биридаги МХХ бўлими мулозимининг, Озодлик билан микрофонсиз суҳбатда айтишича, ҳам хориждан келаётган, ҳам хорижга жўнаб кетаётган йўловчиларнинг мобил телефонлари, компютер ва

флеш карталарини синчковлик билан текшириш тўғрисида МХХ раҳбариятидан топшириқ берилган.

“Бизда асосан, мамлакатга Россиядан кириб келаётган йўловчилар текширилмоқда. Лекин жўнаб кетаётганларнинг юклари ҳам, ўзлари ҳам текширувдан ўтказилмоқда. Россиядан келаётган йўловчиларни текширишга икки-уч киши қўйилади.

Асосан, диний мавзудаги материалларни аниқлаш бўйича иш олиб бориляпти”, деди МХХ ходими.

Унинг яна айтишича, топилган материалларнинг мазмунига қараб, қонунбузарларга нисбатан чора кўрилмоқда.

“Кўпинча ёнларида тақиқланган материаллар чиққан йўловчиларга маъмурий жавобгарлик кўрилмоқда. Лекин жиноий жавобгарликка тортилаётганлар ҳам бор.

Масалан, кейинги уч ой ичида бир неча шундай ҳолат бўлди. Ҳозир Тохир Йўлдошнинг ваъзалари ёки Жундуллох материаллари (Ўзбекистон Исломиё ҳаракати тарғибот бўлими-таҳр.) тез-тез чиқяпти.

Бир марта ҳатто Россияга кетаётган йўловчи телефонида аудио ёзув чиқди ва уни рейсдан тушириб қолдик. Бундай ҳолларда йўловчи аэропортга махсус бириктирилган жиноят қидирув бўлими ходими томонидан ҳибсга олинади”, дейди МХХ ходими.

ozodlik.org

Шу кунларда Самарқанд шаҳрида чироқ кунига 20-30 марталаб ўчяпти, дея хабар беради журналист Тошпўлат Раҳматуллаев.

САМАРҚАНДДА ЧИРОҚ КУНИГА 20-30 МАРТАЛАБ ЎЧЯПТИ

Баъзан электр 3-4 дақиқага берилади ва шундан кейин яна узиб қўйилади. Электр линияси зарарланса ёки трансформатор ишдан чиқса, аҳоли 3-10 кунлаб ёруғликсиз қолади.

“Бу ҳолатнинг одамлар кайфиятига, муассаса ва корхоналар, жумладан, банклар,

касалхоналар, туғруқхоналар, болалар боғчалари фаолиятига қанчалик салбий таъсир кўрсатиши ҳақида гапириб ўтирмайлик.

Яна бир ҳолат: светофорлар ишламагани учун чорраҳаларда таҳликали вазиятлар юзага келяпти, – дейди Т. Раҳматуллаев.

Журналист Андижон, Бухоро, Жиззах ва Тошкентдаги танишларига кўнғироқ қилиб, у ерларда вазият Самарқанддаги каби ёмон эмаслигини ўрганган.

“Будай бемазагарчилик қачонгача давом этади? “Ўзбекэнерго” ДАКнинг бундан хабари борми? Нима учун бундай ҳолат айнан Самарқандда юзага келган? Балки, юқоридагилардан кимдир бизнинг вилоятда куёш электр станцияси ишга тушиб, ҳаммаси яхши бўлади деб ўйлаётгандир?”

Унгача самарқандликлар азоб чексинми? Электр станцияси қурилиши тугашини 5 йил кутишга тўғри келади.

Бу аҳоли учун оғир синов эмасми?” – дейди журналист.

Тошпўлат Раҳматуллаев



Бухоро вилоят прокуратураси органлари томонидан “Таълим тўғрисида”ги қонун ижроси юзасидан Бухоро Давлат тиббиёт институтида текширув ўтказди. Бу ҳақда вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи Комилжон Ҳасанов “Ҳуқук” газетасига маълум қилди.

Тахлиллар институтида айрим хато ва камчиликларга йўл қўйилганлигини кўрсатди. Жумладан, сўнгги 3 йилда профессор-ўқитувчилар томонидан атиги 3 та дарслик, 1 та электрон дарслик ва 7 та ўқув қўлланма нашр этилган бўлиб, бу

кўрсаткич 1500 нафардан ортиқ талаба ўқийдиган, 230 дан ортиқ профессор-ўқитувчи фаолият юритаётган салоҳиятли институт учун жуда кам. Шунингдек, мазкур даврда институтига бириктирилган академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ўқувчилари учун бирорта ҳам дарслик ва ўқув қўлланма яратилмаган.

Институтида илмий-педагогик ходимларнинг етишмаслиги, магистратура

Талабаларнинг давомати юзасидан ўтказилган тахлиллар давомида ўқитувчилар томонидан ўқиш жараёнида бўлмаган талабаларга гуруҳ журналларида уларнинг дарсга қатнашгани, баъзи ҳолатларда баҳо қўйиб келинганлиги кузатилди. Жумладан, институтининг даволаш иши таълим йўналиши талабаси Р.Ишқулова амалиёт даврида Россия Федерациясида бўлса-да, унга амалиёт ўташ натижаси

ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАГИ ЁШЛАР ҚЎЛИДА...

мутахассисликларининг шу йилгача мавжуд бўлмаганлиги сабабли институти педагоглар билан тўлдириш мақсадида 25 нафар икки йиллик клиник ординатуриани ҳамда 10 ойлик малака ошириш курсларини битириб келган врачлар ишга қабул қилинган. Лекин улардан етти нафарининг клиник ординатура бўйича мутахассислиги дарс бераётган фанига мос келмайди.

бўйича баҳо қўйилган. Талабалар Н.Керимова, А.Петровцева, М.Каримова, Н.Қувватова ва С.Нурмаҳаммедовалар турли сабаблар билан амалиёт ва дарс жараёнларида қатнашмаган бўлсалар-да, уларга нисбатан тегишли чора кўрилмай, амалиёт ўташ натижалари бўйича ўзлаштириш кўрсаткичлари баҳолаб борилган.

Бухаролик

Германиядаги “Za-Za Verlag” нашриётида ўзбекистонлик сиёсий қочкин Евгений Дьяконовнинг Ўзбекистон турмаси ҳақидаги номли китобнинг биринчи қисми нашрдан чиқди.

“UZ зонасида. Озодликни севувчилар учун” (“В Зоне.УЗ – Для тех, кто любит свободу”) номли ушбу китобда Ўзбекистон турмаларидаги шароит ва қийноқлар ҳақида ҳикоя қилинган.


Китобнинг интернетдаги расмий қисқача таърифида шундай дейилади: Серж Иваков, ёш омадли тадбиркор, сохта айбловлар билан 22 йилга озодликдан маҳрум этилади.

Қийноқлар, калтақлар, таҳқирлар, ўлимга маҳкумлар камерасида саҳналаштирилган қатл

маросими остида ўтган бир ой, мажбурий жиннихонага ётқизиш ва яна бошқа кўп-кўп воқеалар...

Муаллифнинг айтишича, китоб германиялик ва америкалик

ни тамомлаган. Шоу-бизнесда маъмур бўлиб ишлаган. Ўзининг айтишича, 1997 йилнинг мартада сохта айбловлар билан қамоққа ташланган.



сиёсатчиларнинг кўмагида дунё юзини кўрди.

Евгений Дьяконов Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)

Бор-будини сотиб, бир йилдан сўнг озодликка чиққан.

2003 йилдан бери Норвегияда яшайди.

UZBEK.FM

Аслида нималардан иборат? Шарқ дунёсидаги кишилар Ғарб олами халқларидан ота-онага бўлган ҳурмати,

ОТА-ОНА ОЛДИДАГИ БУРЧИМИЗ

этибори билан ҳам фарқ қилади. Шарқда инсонлар ота-оналарига нисбатан катта меҳр-оқибат кўрсатадилар. Жуда қадимдан шундай бўлиб келмоқда ва бу туйғуси

бола ёшлик чоғидаёқ унинг онгида шакллантирилади.

Ота-она хизмати фарзанд учун шарт бўлган амалдир.

Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай дейди:

“Раббингиз, ўзига ибодат қилишингизни ва ота-онага яхшилик қилишни буюрди.

Агар уларнинг бири ёки ҳар

иккиси ҳузурингда кексалик ёшига етсалар, уларга “Уф” дема ва жеркима. Уларга (доимо) ёқимли сўз айт!

Уларга меҳрибон бўл, хорлик қанотини паст тут ва (дуода) айт:

“Эй Раббим! Мени (улар) гўдаклик чоғимда тарбиялаганларидек, сен ҳам уларга раҳм қилгил!”. (Исро сураси. 23-24 оят).

Ганжа Мухсин

(Давоми: Боши олдинги сонда)

Бу шеър "тараккиёт куёши" инкилоб куёшига ўхшатишмоқда. Крим турклари 1917 йил октябр инкилоби билан бошланган жабру-ситамланинг давоми ўлароқ ватанларидан қувилган эдилар.

Ёлгон поғонасига туширилган ҳақиқатдан сўз очмоқ таъқиқланган, гўё куёш балчиқ билан сувалгандай.

Шоир буларни ифода этаркан, зулм ва таҳдидларга қарамай, ҳақиқатнинг ошкорасиз қолмаслигига ва крим туркларининг бир кун ватанларига албатта қайтишларига бўлган ишончларини қаламга олмоқда.

МУҲАММАД СОЛИҲ ШЕЪРИЯТИ

Муҳаммад Солиҳ "Қасам ичмадим", "Мен" ва "Қаршиман" номли шеърларида эса, совет тузимига ва коммунизмга қарши муносабатини ифода этмоқдадир. Биринчи шеърда шоир мавжуд тузумга ҳеч қачон ишонмаганини, қолаверса тузумнинг хизматкори бўлишга рози бўлмаганини ҳам билдиради.

Шоир, инсонлар ҳеч қачон бахтли бўлмаган, билакс, йиғлаши лозим бўлган ерда қаҳқаҳалар отиб, қувонч кўшиқлари куйловчилардан бўлишни қабул қилолмайди. Тузумга қарши бўлган ишончидан осонликча воз кечадиган ҳам кўринмайди. Азият чекканда йиғламай, жим туришга ҳам сўз бермайди. Энг асосийси, манфий шартларга қарама-қарши бахтли бўлолмаслигини, бахтли кўринмоқ мажбуриятини қабул этолмаслигини билдиради. Ҳолбуки, советлар тузими даврида, ҳар қандай шароитда бахтли кўринмоқ ва шикоят этмаслик қонун амридир. Хуллас, шоир "Қасам ичмадим мен" дейиш билан, бу ҳаётни аввалданок рад этгани учун, тузумга хиёнатда айбланмаслигига ишора қилмоқда.

Бирор марта ўзим

ялонгоч туриб,

Кўйлак кийдираман,

дедимми, сизга –

Йиғлайдиган жойда

қаҳқаҳа уриб,

Кувонч куйчисиман,

дедимми, сизга?

Қасам ичдимми

мен "адашмайман", деб,

"Туноҳ қилмайман" деб,

ваъда бердимми,

Кийимингиз кийиб,

нонингизни еб,

Сизнинг қулингизман,

мангу, дедимми?

Қайси эътиқоддан

шунчаки қайтдим.

Шунчаки яшадим, чекдим азият.

Ахир, "йиғлолмайман"

деб қачон айтдим,

Қачон имзо чекдим

"Бахтлиман" дея?

Муҳаммад Солиҳ коммунизмга қарши энг кескин муносабатини "Қаршиман" номли шеърда ўртага қўяди. Халқ орасида машҳур бўлган бу шеър, 1986 йилда ёзилгандир. Шоир коммунизмга муносабатини тузумнинг пайғамбари саналган Лениннинг қизил соқолига

тупуриш орқали ифода этмоқдадир. Ўзини пинҳона таъқиб этганларни ўртага чиқишга даъват этаркан, бу одамларнинг номард эканликларини ҳам ҳайқирмоқда:

Мардни номард деган мард эмас,

Ҳа деб айланмангиз,

келинг ўртага

Енгмоқ учун писиб қ

араши шарт эмас

Рақиб қўлидаги қартага.

Шоир коммунистларнинг фақат яширин таъқибларига эмас, ишончларига ҳам қаршидир. Ўрталарида келишув нуктаси йўқдир. Бу зиддиятни "Мен боғдан келсам, у тоғдан келади" мақоли билан изохламоқдадир:

Мен сизга қаршиман, билсангиз,

Бунни айтиши мумкин,

ҳеч иккиланмай.

Мабодо сиз боғдан келсангиз

Менга тоғ ёқади,

тоғдан келаман.

Ниҳоят, шоир бу мавзуга муносабатини энг кескин шаклда Лениннинг соқолига тупуриш орқали ифодалайди:

Бунни билиб қўйганингиз маъқул,

Яъни, ҳайрон бўлманг,

менинг ҳолимга.

Тўсатдан туфласам,

сиз топинган ул,

Сохта Пайғамбарнинг

ол соқолига.

Муҳаммад Солиҳнинг совет сотсиалистик системаси ҳақида ёзган сўнгги шеърларидан бири "Афсун" деб аталади. Икки мисрадан иборат бу шеърда, коммунизмнинг советлар иттифоқида қандай намоён бўлгани кўрсатилмоқдадир. Биринчи мисрада болшевиклар ғалабаси билан зулмнинг битиши, унинг ўрнига хуррият келгани жуда таъсирли услубда ифода

этилмоқдадир. Иккинчи мисрада эса, бойларнинг ўрнини йўқсиллар олгани билдирилмоқда:

"Йўқолсин зулм!" дедик,

Зулм дарров йўқолди.

"Яшасин хуррият!" дедик,

Хуррият яшади.

"Йўқолсин бойлар!" дедик,

Йўқолди бойлар.

"Яшасин йўқсиллар!" дедик,

Яшаяпти йўқсиллар.

Шоир иккинчи мисрадаги "йўқсил" калимасини жуда ўринли қўллаган. "Йўқсил" калимаси ўзбек туркчасида камбағаллардан ташқари, идеологик нуктаи назардан, коммунист маъносига ҳам тўғри келмоқда. Шу йўсинда: "Яшасин йўқсиллар!" дедик, яшаяпти йўқсиллар," мисраси "Яшасин пролетариат, коммунистлар!" дедик, яшаяпти коммунистлар," шаклида ўзгартирилганда, коммунизм жаннатида фақат коммунистларгагина яшаш ҳаққи берилгани ва коммунизм ҳам, синфий зўравонликка таянган тузум эканлиги аён бўлмоқда.

Бу шеърларнинг совет сотсиалистик тузумда яшаган бир шоир қаламига мансуб эканлиги, албатта, жуда муҳимдир. Чунки, шеърлар ёзилган йилларда, қатор ўлкаларда, шу жумладан Туркияда ҳам, коммунизм жуда муваффақиятли тадбиқ этилган совет режими, қолаверса, дунё жаннати деб тақдим этилган Советлар Иттифоқи пропаганда қилинмоқда эди. Бошқача ифодаланадиган бўлса, "жаннат" арзандаларининг фарёди бўғиларкан, ташқарида қолганларнинг ҳавасини келтиришга урунардилар.

Шу сабабли, темир парда орқасидан бупропагандаги билақўра ваё билмай туриб қўшилганларга, бу жозоба ичидагиларнинг ҳақиқий ахҳволини англашиш, баҳолаш жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

10. ВАТАН СЕВГИСИ, ХУРРИЯТ, ИСТИҚЛОЛ ВА ИСТИҚБОЛ ҲАҚИДАГИ ШЕЪРЛАР

Муҳаммад Солиҳ шеърлятига умимий баҳо бериладиган бўлса, шеърларининг асосий қисмини миллийлик хусусидаги шеърлар ташкил этганини кўриш мумкин. Зотан, бир шоирнинг миллий, ватан ҳақида шеърлар ёзиши, оддий шиорларнинг назмга солиниши дегани эмас. Шоирнинг ўзи 1981 йилда, Иброҳим Ҳаққулов билан *(Давоми келгуси саҳифада)*

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)
бўлган адабий мусобаҳасида, ватан ва ватанпарварлик шеърлари ҳақида тушунчасини шундай ифода этади: “Ватан ман учун мутлақо шахсий, ботиний бир тушунчадир. Бу ҳақда кўп гапирмоқ, очик-ялонғоч сўзламоқ ахлоқсизликнинг бир кўринишига ўхшайди. (...) Менимча, ўқувчини ҳаяжонга соладиган ҳар қандай яхши шеър ватан ҳақидаги шеър бўлиб қолаверади.”

Бу мусобаҳадан аввал, 1979 йилда қаламга олган “Икки шоир ҳақида бир оғиз сўз” номли мақоласида, шу мавзуда яна шуларни айтади: “Шоир, севгисида ҳам, нафратида ҳам, ҳатто рашиқда ҳам курашчи. Лекин лоқайд эмас. Фақат ҳаёт воқеаларига қараб, кўл қовуштириб турмайди; яшасин ҳамдардлик, изтироб, ёрдам...”

*Бундан ташқари, шоир учун,
...Бир сўз бор,
Беғубор тонг каби гўзал.
Тонг чоғи очилган гунча каби.
Гунчада шабнам каби мусаффо,
Бир сўз бор...*

(Рауф Парфи шеъри)

Бу сўз “Ватан” сўзи. “Оёғи она ерга ботиб қолган” шоир у улуг тушунчани шунчаки плакат шаклида ифодалашни шаккоклик деб билади.” Бу ифодаларга кўра, мавзуси нима ҳақда бўлса бўлсин, аммо гўзал ва самимий ёзилган ҳар қандай шеърни ватан ҳақидаги шеър дейиш мумкин.

Муҳаммад Солиҳ шеърларида бошқа мавзудаги шеърлар билан бирга, ватан севгиси, истиклол, хуррият, адолат ва истиклол ҳақидаги туйғу ва тушунчаларни ҳам тараннум этгандир. У ватанини ва миллатини севган бир шоирдир. Унинг фикрича, “Ватанни севмоқ, ўз миллатини севмоқ фавқуллода бир ҳодиса эмасдир. Бу севги ўзини билган ҳар қандай инсон учун бир ҳаёт тарзидир.” Шоир ёшларга хитобан қаламга олган бир мақоласидан жой олган шу мисраларда бу тушунчани шоир тилидан шундай ифода лайд:

*Эркак икки ҳилқат
учун жонлиқдир.
Бири – аёл, бири – ватандир, бас.
Аёл учун ўлмоқ Қаҳрамонлиқдир,
Ватан учун ўлмоқ эса - фарз.*

Шоир “озодлик ҳаёлларнинг энг гўзалидир, орзуларнинг энг юксагидир” жумласи билан бошлаган бу мақоласида, яна ёшларга хитобан “сизларни ватан учун ўлишга чақираётганим

йўқ, ватан учун яшашга даъват қилаяпман. Ватан учун яшамок – унинг учун ўлмоқдан кўркмаслиқдир,” дейди. Бу жумлаларда шоир, ёшларни озодлик йўлида ватанга хизмат қилишга чақиради.

Муҳаммад Солиҳ ҳаётга боғлиқ бўлган, яшашни севган бир шоирдир. Ўзининг ифодаси билан айтганда жони “ширин” инсондир. Жонининг нақадар “ширин” эканлигини таърифлар экан, ватанга қиёсласанда жуда азиздир. Бошқа бир ифода билан эса, шоирнинг жони, ҳатто ватан учун фидо этилажак қадар қадрлидир:

МУҲАММАД СОЛИҲ ШЕЪРИЯТИ

*Мен ҳаётга ўчман, ҳаётга ҳасис,
Қисмат энг ширин жон
берибди менга.*

*Шу қадар ширин жон,
шу қадар азиз,
Ҳатто қурбон қилса
арзир ватанга!*

Муҳаммад Солиҳ “Шундай ватанинг бўла туриб” шеърда ватан севгисини ва ватанга муносабатни хуррият ва истиклол ҳақидаги ўйлари билан тараннум этади. Шеър 1986 йилдаги қайта қуриш ва ошқоралик сиёсатидан кейин эсган хуррият ва истиклол шамоллари Советлар иттифоқини тебратиб турган бир пайтда ёзилгандир. Бу шеърда мавжуд жараён қаршисида бефарқ қолаётган, ватаннинг рус империализмидан қутулиши ҳақида асарлар ёзиш ўрнига, ҳамон шахсий туйғуларини ва совет идеологиясини тараннум этаётган, миллий шуурдан, ватанпарварликдан ва миллият туйғусидан маҳрум бўлган шоирлар танқид этилади. Улар ватанлари асир бўла туриб, фақат гўзалликлардан сўз очмоқда ва ҳамон “юлдузлар, кундузлар, қоши кундузлар ва гуллар” ҳақида шеърлар ёзмоқдалар. Ўз ватанлари асир бўла туриб, дунёдаги биродарлик ва байналминалчиликдан баҳс юритмоқдалар; кўз ёшларини “шабнам” деб, тошга урилажак бошларини “зафар тожи”га ҳозирламоқдалар:

*Шундай ватанинг бўла туриб,
Ёзасан юлдузлар ҳақида.
Чарагон кундузлар ҳақида,
Қошлари кундузлар ҳақида.
Шундай ватанинг бўла туриб,
Сен гуллар ҳақида куйлайсан.
Онанинг ҳам кўз ёшини сен
Шабнам деб ўйлайсан.
Шундай ватанинг бўла туриб,*

*Коинот ҳақида сўйлайсан.
Тошга уриш керак бўлган бошни,
Гулчамбар учун шайлайсан.*

Шеърнинг охири мисрасида шоир ватаннинг паришон манзараси қаршисида фақат қалам етарли бўлмагани учун, ҳаммани курашга чақиради:

*Шундай ватанинг бўла туриб,
Фақат қалам бор қўлингда.
Шундай ватанинг бўла туриб,
Кўрқасан ўлимдан!*

Муҳаммад Солиҳ 1985 йилдан аввал ёзган шеърларида хуррият ва истиклол орзусини ташбеҳлар орқали ифодалайди. “Дарахт шоир бўлса” шеъри бунга энг яхши

мисолдир. Шоир бу шеърда номини айтмай туриб, хуррият ҳақидаги орзусини тилга олади. Шу сабабли шеър бир боқишда тушунарсиздир:

*Дарахт шоир бўлса
Нима ҳақда ёзган бўларди?
Озгина қушлар ҳақда
Осмон,
Қуёш,
Кейин саёҳат ҳақда
Саёҳат, саёҳат, саёҳат
Ҳақда тинмай ёзган бўларди.*

Бу шеърда шоир ўзи билан дарахт ўртасидаги менгзарликка эътиборни тортади. Шоир ҳам худди дарахт каби бир жойда туришга маҳкум этилган. Дарахт каби собит, дарахт каби ҳаракатдан маҳрумдир.

Дарахтни ерга боғлаган илдизлар бўлса, шоирни маҳкум бўлган ерда тутиб турган боғлар бордир. Агар дарахт шоир бўлса қушлар, осмон ва қуёшдан ташқари тинмай саёҳат ҳақида ёзишни исташи, Муҳаммад Солиҳнинг хурриятга бўлган иштиёқини ифода этади.

Шеърнинг ичидаги асл маъно “саёҳат” сўзи остига бекитилгандир. Айтилаётган фикрнинг юзага чиқиши учун, бу сўзнинг ўрнига “хуррият” калимасининг ишлатилиши етарлидир. Советлар иттифоқида фикрловчи, ёзувчи инсон учун ҳаётнинг мазмуни ниҳоятда тор доирани ўз ичига олади.

Қалам эгаси шоирнинг ёзмоқчи бўлганлари, тараннум этажаги мавзулар партия ва ҳукуматнинг уқтиришларидан иборатдир. Бундай вазиятда тор қолиплар ичига маҳкум этилган шоирнинг бирерда яшашга мажбур бўлган дарахтдан алсо фарқи қолмас.

(Давоми келгуси сонда)

Совет Иттифоқ ўлкасининг ҳар бир бурчагида учратиш мумкин бўлган колхоз ва совхоз деган аҳоли яшаш пунктларидан бўламан сўрасангиз. Оддий бир совхозда: кинотеатр, маданият саройи, ҳаммом, 3 та болалар боғчаси, бир ўрис тилли ва бир ўзбек тилли мактаб ҳамда техникум бўларди. Совхоз асосан қишлоқ хўжалигига ихтисослашган бўлса ҳам у ердаги шароитлар унча мунча шаҳарлардан кам бўлмасди. Ҳар бир хонадонга кирган марказий отопление, иссиқ совуқ сув, канализация, узлуксиз газ ва свет.

Шундай вақтлар бўлганки, гугурт сотиб олишга эриниб оловни йўқотиб қўймаслик учун газ кечаю кундуз бемақсад ёниб ётарди.

Унинг мақсади ўчиб қолмаслик, ўчиб қолса уй эгаси гугурт топиш учун ҳаракат қилишга мажбур бўлади. Нақадар дангаса қилиб қўйган экана бу шароитлар бизни.

Далада ишлашни истамаган одамлар, совхоздаги пахта заводиди, басоножжа ва тўр сетка ишлаб чиқарувчи корхона, чорва фермаси, ем корхонаси ёки озик овқат сақлашга мўлжалланган катталиги стадиондай келадиган омборларда ишлаши мумкин эди. Бундан ташқари ЦРМ, икиталаб гараж деган жойлар ҳам бўлардики, техникани озроқ тушунсангиз бас.

Қишлоқ хўжалигидаги экинларнинг ранг баранглигини айтмайсизми. Бир карта узумзор, бир карта олхўри ва олмазор. Бир картага бир йил пахта экилса келаси йил ерга дам бериш мақсадида беда, маккажўхори каби экин экилади. Тиниб тинчимас корейслар эрта баҳордан пленка остига тарвуз ва пиёз экишарди.

Юқори кўрсатилган жойларнинг бирортасида ҳам ишлашни истамасанг марҳамат қилиб уйда мол боқ. Ем ҳашак истаганингча, сув деган муаммо йўқ. Уша пайтдаги молларни айтмайсизми, семизлигидан усти теп текис бўлиб юрарди, фермадаги зотдор моллар эса бутун совхоз қолиб туманни ҳам сут ва қаймоқ билан таъминларди.

Ҳозир бу нарсаларни ёшларга айтсанг, эртақ тўқиманг деб ишонмайди. Мафкурачи дўстим эса, "буларнинг ҳаммаси ниманинг эвазига бўлганини биласизми. Топган бойлигимизни Москва ташиб кетган, зиёлиларимизни, амалдорларимизни қатағон қилган", дейди.

Йўқотганларимиз

Авалло совхоз, колхоз, молхоз деган номларни йўқотдик. Ширкат хўжалиги. Жамоа хўжалиги деган номлар пайдо бўлди. Совхоз ўзи билан бирга кўп нарсани олиб кетиб қолди. Ўрис тилли мактаб ўзбекчага айланди, энди Россияга кетаётган битирувчиларимиз тил билмай қийналаяпти. Учта боғчанинг иккитаси, техникум ва ҳаммом уй қилиб берилди. Клуб эчки боқиладиган жой бўлди. Тўр сетка ишлаб чиқарувчи корхона ва озик овқат омборининг пиши гиштарини билан бетонларини одамлар

ташиб кетди. Отопления ишламай, занг босган батареялари кимнингдир уйда зинага кимнингдир уйда яна бир жихозга айланди. Уй ичидаги ванналар эса молга ем тайёрлайдиган идишга айлантирилди.

Қувурлардан газ ва сув келмай қўйди. Свет истаса йўқлаб истамаца йўқламай қўйди. Узинг учун ўл етим, Уз уйингни ўзинг таъминла, деган шiorлар мода бўлди.

Урислар кўчиб кетди, кўчиб кетса ҳам майли ортидан маҳаллий халқнинг 40 фоизини эргаштириб кетди.

Бир вақтлар колхозда обрўли механизатор бўлган Қўлдош акани бугун

РАСМИЙ МЕДИАГА СИҒМАЙДИГАН АЧЧИҚ ВА ШИРИН ҒАПЛАР

Россияда дабдабали қилиб гастарбайтер деб иззат қилишади.

Қолганлари ва топганлари-миз

Завод бир амаллаб қолди. Ичига кирсангиз гўёки 41 йилдан қолган аппаратларга ўхшайди. Лекин механикларга раҳмат, эплаб сеплаб ишлатиб туришибди.

Шўри кўтарилган ер қолди. Энди бу ерларга 100 гектарлаб беда ёки маккажўхори экилмайди. Олхўри ва узумзорларни кўрмайсиз.

Бу ерларга юртнинг ғалла мустақиллигини таъминлаш учун Россия ва Қозоғистонда молига ем қилиб берадиган буғдой навлари ва ўзимизнинг оқ олтин – пахта экилади. Шунинг учун ҳам энди мол боқиш ҳам муаммо бўлиб қолди. Чунки ҳашак йўқ. Далада ишловчи олдинги бригадир, звенoвoд, директорнинг ҳаммаси бугунга келиб мустақил фермерга айланди.

Аваллига ҳукумат кучли жамиятдан кучли давлатга деган шiorни олиб фермерларга ерни бўлиб берди ва пахтани истаган одамнингга сот деди.

Шу десангиз, фермерлар кўтириб кетдику. Тагида қўшша қўшша машина, трактор, истаган одамани ишга олади, истамаганини йўқ. Менсимай кетди.

Кейин ҳукумат шiorини кучли давлатдан кучлироқ давлатга дея ўзгартирди. Фермерларга қоғозда ерни қолдирди, лекин амалда орқасидаги иштонини ҳам тортиб олди.

Қулодорлик давлатига ўтиб кетишимизга сал қолди. Шундай бўлса ҳам фемерларимизга мустақил деган тамға босилаверади.

Шу қадар мустақилки, истаса текинга тепки еб ҳам ишлайверади. Истамаса Россияга қочиб кетади. Танлов бор.

Айтмасак номардлик бўлади, 3 йилдан бери фермерларга даланинг бир чекасига кучат экиб боғ қилишга руҳсат беришди. Тез орада болаларнинг оғзи мевага тегиб қолади. Фермернинг қўлида ишловчиларга бироз қийин. 9 ойлик меҳнат ҳаққи, бир тонна буғдой, боғнинг орасидан 20 сотих ер. Тамом.

Топганларимиздан энг муҳими бу, совхознинг марказидаги бинони эгаллаган, Милиция таянч пункти бўлди.

Энди ҳар бир совхознинг 2-3 та ўз мелисаси бор. Бу ходимлар тартибни сақлаши билан бирга, совхозда пайдо бўла бошлаган тадбиркорлар бўрзилашиб кетмаслиги учун ўлпон олиб погугини пасайтириб туради. Тенглик, адолат бўлиши керак.

Олдин бироз дангаса, боқиманда одамларга эга бўлган бўлсак, энди анча пишиқ ва мослашувчан одамларимиз бор. Ёмғирдан сўнг ўсадиган кўзиқоринлардек, тегирмонлар кўпайиб кетди. Аввалига дўконнинг оплоқ ва ширин унига ўрганган одамларга тегирмон уни бироз аччиқлик қилди. Нечого, кейин ҳамма кўниқди.

Орриқлигидан бир тепсанг йиқилиб кетаман деган сигирларимиз пайдо бўлди. Улар ҳам мослашди. Олдин кўк беда ва силос еб ҳеч кимни менсимай қўйган бу моллар, энди мусор бўлса ҳам титиб еб кетаверади. Яшаб қолиш керак.

Эплаган одам коммерсант бўлди. Дўкон шунчалар кўпайиб кетдики, охири туман ҳоқимияти бир қисмини турли баҳоналар билан ёпиб бироз тартибга келтириб қўйди. Эгалари нима бўлди дейсизми. Нима қиларди, эл қатори Россияга кетди.

Кейин ҳудди коммерсантларга ўхшаб таксичилар кўпайди. Вей, запарожецда ҳам таксичилик қилса бўларкан. Бошида москвич, запарожец, жигулилар хўжайинлик қиларди.

Энди ўзимизда чиқадиган неқсия, тико, матизлар эгаллашган.

Ҳукумат қонун чиқариб уларни ҳам йўқотмоқчи бўлди. Ҳамманг сариққа бўяб, мошинани ширкат номига хатлаб берасан, кейин киракашлик қиласан деди. Мослашувчан одамлар бунга ҳам кўнди. Кейин нимадир бўлди. Балки тепадагилар пулни бўлишолмадими, ишқилиб сариқ машинани талаб қилмай қўйишди.

Яна эски тосга қайтдик

Газсиз, ичимлик сувсиз ва светсиз ҳам яшаса бўларканей. Мослашсангиз бўлди. Элга келган тўйда, ҳамма шундай юрибдику, деган фикр мияга ўрнашади ва қарабсизки олам гулистон.

Қарая шунча нарсани йўқотибмиз, десам совхоздаги жўрам, "Бўни 20 асрдан ўрта асрларга қайтиш дейилади. Бунча нарсани йўқотиш учун ҳам санъат керак", деб катталарни мақтаб қўяди.

Сиз яшаб турган жойда нималар йўқотилиб, нималар топилди?

@zokiruzbek

“ERKIN YURT”

интернет-газетаси

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати

расмий нашри

www.uzxalqharakati.com/erkin yurt

Мухаррир: Камолиддин Йўлдош